



Tadqiqot.uz

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

**SOHA LINGVISTIKASI: TILSHUNOSLIK
VA TIBBIYOT INTEGRATSIYASINING
MUAMMOLARI, YECHIMLARI HAMDA
ISTIQBOLLARI**

**10-NOYABR
2021**

BUXORO, UZBEKISTAN

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

SOHA LINGVISTIKASI:
TILSHUNOSLIK VA TIBBIYOT
INTEGRATSIYASINING
MUAMMOLARI, YECHIMLARI
HAMDA ISTIQBOLLARI
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya
materiallari

Buxoro, 10-noyabr, 2021-yil

© Tadqiqot.uz

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

BUKHARA STATE UNIVERSITY

**LINGUISTICS OF DIFFERENT
FIELDS:
PROBLEMS, SOLUTIONS AND
PROSPECTS OF LINGUISTICS
AND MEDICAL INTEGRATION**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL
CONFERENCE**

Bukhara, November 10, 2021

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

**ОТРАСЛЕВАЯ ЛИНГВИСТИКА:
ЗАДАЧИ, РЕШЕНИЯ И
ПЕРСПЕКТИВЫ
ЛИНГВИСТИКИ И
МЕДИЦИНСКОЙ ИНТЕГРАЦИИ**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ**

Бухара, 10 ноября 2021 г.

© Tadqiqot.uz

“Soha lingvistikasi: tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasining muammolari, yechimlari hamda istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari.–Buxoro: Tadqiqot.uz, 2021.

Buxoro davlat universiteti O`zbekiston Respublikasi oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi, O`zbekiston Respublikasi innovatsion rivojlanish vazirligi, O`zbekiston Respublikasi sog`liqni saqlash vazirligi, O`zbekiston Respublikasi tadqiqot.uz. markazi, Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti bilan hamkorlikda “Soha lingvistikasi: tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasining muammolari, yechimlari hamda istiqbollari” mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya o`tkazdi.

O`zbek, rus, ingliz tillaridagi mazkur konferensiya materiallarida tilshunoslikda til, shaxs, jamiyat munosabatlari tadqiqi muammolari va innovatsion g`oyalar tizimini shakllantirish istiqbollari; o`zbek tili tibbiyot leksikografiyasi va terminologiyasini rivojlantirish ijtimoiy zaruriyat; tibbiyot ta`limida lingvokulturologiya va psixolingvistikaning ahamiyati hamda dolzarbligi; tibbiy birliklarning lingvopoetik tadqiqi; amaliy filologiyani rivojlantirish kabi mavzular doirasida mulohaza yuritilgan.

Mas`ul muharrir

**filologiya fanlari doktori,
professor Abuzalova M.Q.**

Taqrizchilar

**filologiya fanlari nomzodi,
dotsent Nazarova S.A.**

**filologiya fanlari nomzodi,
dotsent G`aybullayeva N.I.**

**tibbiyot fanlari doktori (PhD),
dotsent Ixtiyarova G.A.**

**To`plovchi va nashrga
tayyorlovchi**

**pedagogika fanlari nomzodi,
professor Yuldasheva D.N.**

Mazkur to`plamga kiritilgan maqolalar va tezislarning mazmuni, statistik ma`lumotlar hamda bildirilgan fikr hamda mulohazalarga mualliflarning o`zlari mas`uldirlar.

© Buxoro, Tadqiqot.uz, 2021

Тилшунослик фан ва ишлаб чиқариш узвийлиги тизимида бундай йўсинда иш юритишга ҳали ўтгани йўқ. Масалан, инфор­мацион технологиялар учун ўзбек тилининг лингвистик базасини яратиш ёки тил ва маънавий яхлитлиги ҳақида гап кетар экан, маънавий-маърифий фаолият самарадорлиги учун зарур тилшунослик тадқиқотларига тегишли муассасалардан ҳануз бирорта ҳам буюртма берилгани йўқ десак, хато бўлмайди. Ҳолбуки, янги асрда фақат амалий татбиққа эга, натижаларини истеъмолчилар сўрайдиган ва уларга **ижтимоий-иктисодий самара тақлиф** этадиган тилшунослик ўз кучи билан яшашга ҳақли.

Лингвистика ва тиббиёт ҳамкорлиги ижтимоий зарурат сифатида

Абузалова Меҳринисо Кади­ровна*

10.5281/zenodo.5684868

Аннотация. Мақолада тилшунос­ликнинг тиббиёт билан фаол интеграциялашувини таъминлаш, айрим тиббий терминларнинг атамалар орқали ёритилиши, аниқ ва ихчам терминлар билан бир қаторда уларнинг сермазмун изоҳларининг берилиши хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: *тиббиёт, интеграция, тиббий терминлар, атамалар, метафора, эвфемизм, перифраза*

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганга ўттиз икки йил тўлди. Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш мақсадида миллатимиз тилига кейинги йилларда жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон [Фармони](#)га кўра *давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш соҳасида* 2020 йилда ўзбек тилининг луғат бойлигини оширувчи лингвистик, соҳавий-терминологик, изоҳли луғатлар яратиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон Фармони­га кўра эса **2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ҳам қабул қилинди** ва унда тил такомилли­га хизмат қилувчи қатор вазифалар белгиланди. Яъни, замонавий, янги авлод ўқув луғатларини тузиш ҳамда уларнинг электрон шаклларини ва **соҳалар бўйича атамалар луғатини яратиш**; барча олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичида «**Касбий нутқ маданияти**» **фанини жорий қилиш**; мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш; **илмий асосланган янги сўз ва атамаларни мунтазам равишда расмий муомалага киритиб бориш** каби

* Бухоро давлат университети профессори, филология фанлари доктори

Ўзбек тилини бор бойлиги билан сақлашга қаратилган амалий ишларга кенг йўл очиб берилди.

“...янги даврда тилшунослик бошқа соҳаларга кўмакчи бўлиб қолиши керак. Математик лингвистика, биологик лингвистика, физик лингвистика, тиббий лингвистика, компьютер лингвистикаси, психологик лингвистика, таълимий лингвистика, санъат лингвистикаси, диний нутқ лингвистикаси, ортология ва ҳоказо. ... Ҳар бир соҳа бўйича луғатчилик лингвистик асосда тараққий этиши лозим... лингвистика билан тиббиёт ҳамкорлиги зарур. Тиббий терминологиянинг илмий ва оммабоп вариантлари фарқланиши керак. Тиббий илмий ва оммабоп матн фарқланиши, илмий тадқиқ қилиниб, лингвистик тавсиялар ишлаб чиқилиши зарур”, дея таъкидлайди Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори Бахтиёр Менглиев [Б.Менглиев, 2019].

Айтиш керакки, тиббий терминология бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган. “Русча-ўзбекча-лотинча фармацевтик терминлар луғати” [А.Қосимов, Х.Холматов, 1990:128], “Инглизча-ўзбекча-русча, ўзбекча-инглизча-русча анатомик терминлар луғати” [А.Қосимов, М.Қосимова, 2006: 176], Ёлқин Тўракулов муҳаррирлигида 7000 дан ортиқ терминни ўз ичига олган “Тиббиёт комусий луғат” [1994: 288], ҳозирги замон тиббиётида қўлланиладиган 10000 атрофидаги клиник терминлар ва тиббий тушунчаларни ўз ичига қамраб олган “Қатта тиббиёт ўқув луғати” [А.Усмонхўжаев, Э.И.Баситханова, М.С.Тўраханова, 2011] нашр қилинган. Бундан ташқари жуда кўплаб тиббий терминларга оид онлайн луғатлар, таржима луғатлари, изоҳли луғатларнинг электрон вариантлари яратилган. Аммо уларнинг халқона, ўзбеккона ва оммабоп вариантлари хусусида алоҳида ишлар амалга оширилмаган.

Бугунги кунда терминологик тизимларнинг шаклланиши ва соҳага хос терминологик луғатларни яратишнинг лингвистик муаммолари билан нафақат тилшунослар, балки профессионал мутахассислар шуғулланади, шунинг учун фанларнинг амалий жиҳатидан муқаррар интеграцияси мавжуд. Ўрганилаётган билим соҳасининг концептуал аппаратига эга бўлиш касбий муваффақият ва терминологик саводхонликнинг юқори даражасига эришишнинг муҳим шартидир. Шифокор жамиятнинг элита қисмига мансуб бўлиб, унинг нутқи меъёрий, коммуникатив, ахлоқий ва эстетик жиҳатларга жавоб бера олиши керак.

Қадимдан кишилар бир-бирларига нарса-ҳодисалар ҳақида шунчаки маълумот берибгина қолмасдан, балки уларнинг муҳим хусусиятларини тасвирлаб, қиёслаб, муҳим деб ҳисоблаган жиҳатларини бўрттириброк кўрсатишга ҳаракат қилишганки, бундай нутқий эҳтиёж натижасида ифода шаклларининг турлича тасвирий воситалари юзага келган. Маълумки, тиббиётда қадим замонлардан то ҳозирги кунгача қатъий терминлар эмас, балки мажозий номлар, образли иборалар, метафоралар қўлланган. Бу бериладиган маълумотни кодлашнинг ўзига хос усули, узоқ ўтмишда, инсон танасининг тузилишини махсус ўрганиш диний эътиқодлар томонидан тақиқланган пайдан бошланган. Дарҳақиқат, бўёқдор сўзлар воситасида

тасвирланган маълумотларнинг яхшироқ ва тўлиқ ўзлаштирилиши барчага маълум. Ўзбек тили қардош тиллар орасида нутқий ифода воситаларига ўта бойлиги билан, ҳар хил ифода воситаларини нутқий жараённинг ўзидаёқ ясаб олиш имкониятига эгаллиги билан ажралиб туради. Ана шундай воситалар сирасига лингвистик перифраза, эфемизмлар, метафора, синонимия ҳодисалари киради.

Биз 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган “Олима аёллар гранти”га “Тиббиётга оид атамалар электрон платформасини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа билан иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдик ва айни дамда 2021-2023 йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-2 рақамли мазкур лойиҳа устида фаолият олиб бормоқдамиз. “Тиббиётга оид атамалар электрон платформасини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа айнан айрим тиббий терминларнинг атамалар орқали ёритилиши, аниқ ва ихчам терминлар билан бир қаторда уларнинг сермазмун изоҳларининг берилиши, айтилиши ноўрин бўлган тиббий терминларнинг ноёб тиббий атамалар билан тўлдирилишига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш лозимки, тиббиёт соҳасида лексик бирликларнинг қоида тариқасида иккита варианты мавжуд: халқаро (лотин ва юнон) ва миллий. Шулардан иккинчиси(миллий) “бу ҳодисани она тили имкониятлари орқали тушунтириш” истаги билан боғлиқ. Тиббий бирликларнинг семантик базасини таснифлаш, яъни тиббий лингвистиканинг эфемик, метафорик, перифрастик, гендер хусусиятларини лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан изоҳлаш; ўзбек тилида қўлланиладиган маҳаллий тиббий лингвистик бирликларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш; ҳудудий фарқланишларни ўрганиб ўзбек маданиятида мавжуд тиббий атамаларнинг тил маданиятида тутган ўрнини мустаҳкамлаш, йўқолиб бораётган ноёб тиббий атамаларни тўплаш, уларнинг тасвирий изоҳли луғатини тартиблаш, шифокорларга лингвистик ёрдам бериш; Абу Али ибн Сино қаламига мансуб “Тиб қонунлари” асарида қўлланган атамаларни изоҳли луғат билан қиёслаш, муштарagini истеъмолга киритиш ва тавсифлаш (дейлик, “Тиб қонунлари”[Абу Али ибн Сино,1993:304], табобат масалаларини оммабоп ҳолда назм билан изоҳловчи «Уржуза»(1326 байт тиббий ўғит) [Абу Али ибн Сино,1999:159] номли тиббий асарларда “мохов” касаллиги “шер касаллиги”; болаларда кечадиган оғиз оғриғи, стоматит - ширча; витилего-баҳак; теридаги оқ доғлар, сочларнинг айрим жойлари тўкилиши - тулки касаллиги билан номланган); тилшуносликнинг тиббиёт билан фаол интеграциялашувини таъминлаш ҳам ўзбек тилшунослиги олдида турган улкан вазифалардан саналади.

Кўпинча профессионал мулоқотда муваффақиятсизликлар тилни етарли даражада билмаслик эмас, балки у ёки бу терминнинг бошқа бир вариантларини билмаслик оқибатидир. Дарҳақиқат, миллий атамалар, асосан, турли ижтимоий қатламда сўзлашувчилар томонидан тушунилади ва улар кўпинча шифокор-бемор мулоқотида ишлатилади, лотин-юнон атамаларини эса тадқиқотчиларнинг кўп қисми тушунади, одатда, шу касб эгалари - профессионаллар ўртасида маълумот алмашиш учун ишлатилади.

Телевидение, интернет, ёзма ОАВ, турли маърузалар, суҳбатларда ўринли ва ишлатилиши қулай айрим тиббий бирликлар қўлланмоқдаки, булар ҳам тингловчи, ҳам ўқувчи учун ёқимли ва эшитимлидир. Масалан, биргина **хотин-қизларнинг хомиладор бўлиш жараёни билан боғлиқ қатор тасвирий ифодалар парадигмасига** мансуб юкли бўлмоқ, бошқоронгу бўлмоқ, бўйида бўлмоқ, гумонаси бор, жиддий давр, иккиқат бўлмоқ, мўъжизали тўққиз ой, нишона пайдо бўлмоқ, оғироёқ, тўлишмоқ, фарзанд кутмоқ, иккижон бўлмоқ каби миллий, халқона эквивалентлар ҳамда **хотин-қизларнинг болали бўлиш (туғиш) жараёни билан боғлиқ** бола кўрмоқ, болали бўлмоқ, бўшалмоқ, бўшалиб олмоқ, вужудга келтирмоқ, дунёга келтирмоқ, ҳаётга келтирмоқ, дунё юзини кўрсатмоқ, енгил бўлмоқ, жонидан жон бунёд этмоқ, кўзи ёримоқ, кўпаймоқ, она бўлмоқ, ўгил кўрмоқ, қизли бўлмоқ... ифодалар парадигмаси борки, бу ўзбек халқининг ўз тилига бўлган юксак муҳаббатини ҳамда нутқий маданиятини исботлай олади. Пандемия туфайли бир қанча бирликлар нутқимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади. Биргина коронавирус билан боғлиқ ўндан ортиқ кўзга кўринмас ёв, тождор вирус, инсониятни иложсиз қолдирган вирус, тождор вируснинг тожи, хавфли ёв, тожли душман, кўзга кўринмас митти офат, тож кийган вирус, дунё иқтисодини емирувчи касаллик, инсон саломатлигининг кушандаси, чекинмаётган ёв, оламий фалокат каби перифрастик, метафорик бирликларнинг фаол қўлланишда эканлигини кузатамизки, булар бевосита тиббий нутқ билан боғлиқ. Ўзбек тилида *врач, доктор, дўхтир, шифокор, табиб, эмчи, луқмонча, ҳаким* қаторидан ўрин олган сўзлар чет тилида фақат бир-иккита сўз билан ифодаланади, холос.

Айни кунларда тавсифий тилшунослик ўз ўрнини соҳавий-тавсиявий тилшунослик йўналишларига бўшатиб берган экан, тиббий соҳага тегишли атамаларни ҳам миллий, ўзбекона, оммабоп вариантларда тайёрлаш – шу соҳадаги илмий муаммонинг ечимига хизмат қилади. Қадимдан сайқалланиб келган, аждодлардан мерос бўлиб қолаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни авайлаш, асраш, кўриқлаш барчамизнинг вазифамизга киради. Биз ўзбек атамашунослиги захирасини бойитиш мақсадида тиббий бирликларнинг электрон платформасини яратишга жазм қилмоқдамизки, ушбу платформада терминларнинг атамалар орқали ёритилиши, аниқ ва ихчам терминлар билан бирга уларнинг сермазмун изоҳларининг берилиши, айтилиши ноўрин бўлган тиббий терминларнинг ноёб тиббий атамалар билан тўлдирилиши, уларни яратишда она тили имкониятларидан кенг фойдаланиш асос қилиб олинган.

Тиббиётга оид атамалар электрон платформасини яратиш тиббий эвфемизмлар луғати, тиббий перифразалар, тиббий лексика метафоралари луғати, уларнинг электрон варианты, мобил иловаларини яратиш заруратини юзага келтирмоқдаки, бу яратилажак ўзбек тили миллий корпуси учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. 1.Биз лойиҳа доирасида мазкур луғатларни тартиб беришга ҳамда уларнинг мобил иловаларини яратишга, тиббий соҳага тегишли терминларнинг миллий, оммабоп вариантларини аниқлашга ва улар нашр йўллари орқали тарғибот қилишга маълум маънода эришдик, деб ўйлайман. 2.Бундан ташқари лойиҳа мавзуси асосида БухДУ ўзбек

тилшунослиги кафедраси мустақил изланувчи У.Аҳмадова 2021 йилда “Ўзбек тилида социал перифразалар” мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ёклади. Диссертациясида ҳар бир социал гуруҳ перифразаларини ўрганаркан, тиббиётга тегишли тасвирий ифодаларни алоҳида қатлам сифатида тадқиқ этди. 3. БухДУ инглиз тилшунослиги кафедраси мустақил изланувчи А.Қобилова томонидан тиббий перифразалар қардош бўлмаган тиллар кесимида ўрганилмоқда ва мазкур мавзу дастлабки экспертизадан ўтди. 4. 5А.120102-Лингвистика (ўзбек тилшунослиги) мутахассислиги магистранти Дилнура Ахмедованинг “Ўзбек тилида тиббий метафоралар” мавзусида диссертацияси бажарилди. 5.БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси таянч докторанти Д.Собированинг “Тиббий рекламанинг социопрагматик хусусиятлари” мавзусидаги 10.00.01 – Ўзбек тили ихтисослигида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этиладиган тадқиқот иши ҳимоя қилинади. Унинг мавзуни қамраб олган қатор мақолалари миллий журналларда нашр этилди. 6. “Web of Science Core Collection”, “Scopus” маълумотлар базасида индексланган нашрларда 3 та йирик мақола нашр этилди. 7. Лойиҳа мавзуси доирасида “Ҳозирги ўзбек тили” ўқув курсидан бадиий, оммабоп матнларда тиббий бирликларнинг ифодаланишига доир курс иши ва малакавий битирув ишлари режалаштирилди. 8. Тиббиётга оид мақоллар, ривоятлар, халқ дурдоналари жамланган қўлланма тузилиб унинг дастурий таъминоти яратилади. 9. Ҳамкорликда режалаштирилган халқаро анжуман материалларида ҳам айнан мавзуга дахлдор масалалар ҳамда муаммолар кўтарилди.

Барча жаҳон тилларида бўлгани каби ўзбек тилидаги терминларни, атамаларни жонлантириш, шу билан бирга, тиббиёт йўналишлари бўйича ҳам ҳар томонлама қулай бўлган, ўзбек тили қатида мавжуд бўлган атамаларни ҳам муомалага киритиш, умумтилда қўлланиш доирасини кенгайтириш зарурати туғилмоқда. Қайд этиш керакки, тиббиётга доир тушунчаларнинг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалади - туркий луғатчилигининг асосчиси Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари, эски ўзбек тилига асос солган Алишер Навоий, мемуар асар муаллифи З.М. Бобур ва бошқа ижодкорларнинг бадиий, илмий-бадиий асарлари тиббий терминларнинг ривожланишида ўзига хос ўрин тутган манбалар ҳисобланади. Ўзбек тилида тиббий атамаларни ўрганиш ва жамлаш; имкон қадар тиббий терминларни соҳалар бўйича ёки бўлимларга ажратган ҳолда луғат-китобларни нашр қилиш ҳозирги янги Ўзбекистон шароитида тиббиёт терминологиясининг бойиб боришига хизмат қилмай қўймайди.

Адабиётлар:

- 1.Абу Али ибн Сино.Тиб қонунлари. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. Электрон китоб. Уч жилдли сайланма.1-жилд.– 304 б.
- 2.Абу Али ибн Сино. Уржуза ёки 1326 байт тиббий ўғит. Тошкент: Абу Али ибн Сино, 1999. –159 б.
3. Қосимов А., Холматов Х. Русча-ўзбекча-лотинча фармацевтик терминлар луғати. Тошкент: Ибн Сино нашриёти, 1990. –128 б.

4. Қосимов А., Қосимова М. Инглизча-ўзбекча-русча, ўзбекча-инглизча-русча анатомик терминлар луғати. Тошкент: Мехридарё, 2006. –176 б.

5. Тиббиёт қомусий луғат. Ёлқин Тўрақулов муҳаррирлигида/ Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. –288 б.

Психология пациента и этика врача

Чудакова Вера Петровна*

10.5281/zenodo.5684882

Аннотация. Цель данной статьи - исследовать этику речи врача, а также ее лингвистические характеристики. В нем описываются и объясняются слова, фразы, лингвистические и методические особенности речи врача с примерами. Была рассмотрена необходимость научного исследования сферы применения таких терминов, т. е. их прагматики. Статья объективно подкреплена данными о контакте врача с пациентом и его этике. Это подчеркивает важность слов в нашем общении. В статье подчеркивается важность постановки достоверных и правильных диагнозов на основе подробностей, сообщаемых пациентом врачу, или правильного использования медицинских эвфемизмов, перифразов и перифразов во время информирования врача о заболевании.

Ключевые слова: *медицинский язык, медицинский эвфемизм, медицинский парафраз, коммуникация, терминология, название болезни, лексика, лингвопрагматика, речь, понимание, психология*

Вступление. Медицина уникальна тем, что она часто неразрывно связана с повседневной жизнью человека. Сегодня, независимо от образования, его концепции, теории, достижения, возраст и социальный статус хорошо известны широкой публике и следуют за каждым от рождения до смерти. Язык отражает этот механизм, потому что он открыт для всех жизненных моделей и изменений. Язык медицины, развивавшийся на протяжении многих веков и быстро развивающийся в наше время, представляет собой обширную многоуровневую систему, охватывающую как область повседневной жизни, так и научное понимание, а также пространство, в котором обе области влияют друг на друга. Предыдущее заметно. Это разнообразие особенно очевидно в медицинском устном языке - контакте между врачами и пациентами. Природа этой формы общения, несомненно, требует научного понимания и реалистичного объяснения лингвистами. Беседа “врач -пациент” необходима врачу для постановки диагноза пациенту на основе любого комментария, сделанного пациентом.

Также от каждого сказанного врачом слова зависит, насколько пациент осведомлен о своем здоровье, насколько это возможно, правильно выполняет все рекомендации врача, не нарушает и не игнорирует их. Для врача очень важно выслушать пациента, понять его мысли, принять их, выразить свою доброту, быть искренним. Важным аспектом врачебной этики является

* Старший научный сотрудник педагогического института Академии педагогических наук Украины, к.п.н., доцент. Член научно-технического совета по филологии, психологии и педагогике при Министерстве инновационного развития Республики Узбекистан.

МУНДАРИЖА

Rasmiy ochilish. Tabriklar		
<i>Hamidov O.H.</i>	<i>Rasmiy ochilish</i>	6
<i>Inoyatov A.Sh.</i>	<i>Tibbiyot va til mushtarakligi</i>	8
<i>Daminov M.I.</i>	<i>Til va madaniyat</i>	9
<i>Qahhorov O.S.</i>	<i>Davlat tili - millatning tirik nafasi</i>	10
<i>Xuseynova A.A.</i>	<i>Soha lingvistikasini rivojlantirish – davr talabi</i>	11
<i>Aslonova E.S.</i>	<i>Государственный язык – неотъемлемая часть духовной национальной культуры государства</i>	12
Yalpi majlis ma’ruzalari		
<i>Mengliyev B.R.</i>	<i>Tilshunoslik samara bersin.</i>	15
<i>Abuzalova M.Q.</i>	<i>Lingvistika va tibbiyot hamkorligi ijtimoiy zarurat sifatida</i>	17
<i>Чудакова В.П.</i>	<i>Психология пациента и этика врача</i>	22
<i>Ixtiyarova G.A.</i>	<i>Ginekologik kasallikni ifodalovchi tibbiy terminlar talqini</i>	25
<i>Мўратбек В.Қ.</i>	<i>Professor Q.Жўбанов уеңбектериндеги сөзтаңым негиздери (Q.Жўбанов сөзтаңымындаг ‘ы лексикология мәсеелери)</i>	27
<i>Adilova S.A.</i>	<i>Tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasi (AQSHdagi ayrim universitetlar misolida)</i>	36
<i>Rajabov D.Z.</i>	<i>O‘zbek tilini tadqiq etishda yangicha yondashuvlar</i>	40
1-sho‘ba. Tilshunoslikda til, shaxs, jamiyat munosabatlari tadqiqi muammolari va innovatsion g‘oyalar tizimini shakllantirish istiqbollari		
<i>Ahmedov B.Y.</i>	<i>Rus va o‘zbek tillarida so‘zlarning o‘zaro tobe bog‘lanishi: boshqaruv kategoriyasi</i>	42
<i>Akhmedov A.R. Po‘latova S.M.</i>	<i>O‘zbek shevalarini lingvo-geografik xaritalashtirish</i>	46
<i>Adizova N.I.</i>	<i>Leksik birliklarning milliy o‘zlik ruhini ifodalashdagi roli (Erkin Vohidov dostonlari asosida)</i>	50
<i>Elova D.Q.</i>	<i>O‘zbek tili milliy korpusi uchun so‘zlashuv uslubiga xos so‘zlarni teglash masalasig oid</i>	55
<i>Fayazova D.S.</i>	<i>Methodological approach in teaching process</i>	61
<i>Fayazova D.S. Shirinboyeva B.M.</i>	<i>Empowering languageskills through modern methods</i>	65
<i>Jo‘rayeva D.R. Qo‘shayeva N.E.</i>	<i>O‘quvchilar va aholi imloviy savodxonligini rivojlantirishning dolzarb masalalari</i>	68
<i>Kurbonov A.M.</i>	<i>Tasks of effective use of the uzbek language</i>	71
<i>Mengliyev B.R. Hamroyeva Sh.M. Elova D.Q.</i>	<i>Qirg‘iz va yoqut tili avtomatik morfoligik tahlil vositalari tajribasidan</i>	75
<i>Muxtorov E.M.</i>	<i>Vrach kasbiy mahorati tuzilmasida kommunikativ kompetentlikning o‘rni</i>	79
<i>Мўратбек Б.Қ. Саламат Э.С.</i>	<i>Этнолингвистика – этностық болмысты ұлттық тіл арқылы таңым білу(Аймақтық лексика негизінде). Ethnolinguistics- knowledge of ethnic identity through the national language (based on regional vocabulary).</i>	84
<i>Orifjonova F. Orifjonova M.</i>	<i>Critically discussing student teachers' ideas</i>	88

<i>Ortiqova G. H.</i>	<i>Harakat tarzi shakllari va nutq</i>	93
<i>Saduaqas N.A.</i> <i>Ibragimov T.A.</i>	<i>Qazaq tilindegi dybyys saykestigi turaly</i>	97
<i>Sayfullayeva R.R.</i> <i>Abuzalova M.Q.</i>	<i>Til – millat ma'naviyati va madaniyati takomilining bosh masalasi</i>	102
<i>Tosheva D.A.</i>	<i>The use of examples of folklore in the description of the person</i>	104
<i>To'yeva Z.N.</i>	<i>Bayon –o'quvchining yozma nutqini tartibga solish vositasi</i>	111
<i>Salomova M.Z.</i>	<i>The role of teaching speaking through technology</i>	116
<i>Shoimqulova M.Sh.</i>	<i>The integration of technology into language teaching</i>	121
<i>Sharipova F. N.</i>	<i>Integrating technology in teaching listening skills</i>	125
2-sho'ba. O'zbek tili tibbiyot leksikografiyasi va terminologiyasini rivojlantirish ijtimoiy zaruriyat sifatida		
<i>Nazarova S. A.</i>	<i>So'z birikmasi – tibbiy atamalar “bunyodkori”</i>	131
<i>Nazarova D.G.</i>	<i>Lexicographic problems of the uzbek language</i>	136
<i>Rajabov D.Z.</i>	<i>Tibbiy birliklarning elektron lug'atlari xususida</i>	139
<i>Sobirova D.R.</i>	<i>Qisqalik – samarali tibbiy reklama yaratishning muhim omili</i>	141
<i>Toirov G.I.</i>	<i>Shifokor nutqining lingvistik xususiyatlari</i>	146
<i>To'rayeva Sh.</i>	<i>So'z birikmasi tibbiy terminlar tizimida</i>	150
<i>Xamidova G.Y.</i>	<i>Особенности преподавания медицинской терминологии на уроках русского языка как иностранного</i>	153
<i>Xojiyeva M. Y.</i>	<i>Shaxsni tavsiflovchi so'z birikmalarining tibbiyotda qo'llanilishi</i>	157
<i>Yokubova Sh. Y.</i>	<i>Tibbiy matnlarda obyektli birikmalarning voqelanishi</i>	161
<i>Yuldasheva D.N.</i> <i>Chullieva G.T.</i>	<i>Тишина и тон звука как медицинский эфемизм</i>	164
<i>Navro'zova M.G'.</i>	<i>Tibbiy birliklar tadqiqi</i>	172
3-sho'ba. Tibbiyot ta'limida lingvokulturologiya va psixolingvistikaning ahamiyati hamda dolzarbligi		
<i>Ahmadova U.Sh.</i> <i>Bozorova G.Z.</i> <i>Mirjonov N.N.</i>	<i>Tibbiyot sohasida perifrazarlar</i>	174
<i>Абдуллина А.Б.</i>	<i>Мұқағали Мақатаев әңгімелеріндегі психологизм</i> <i>Psychologism in the stories of mukagali Makatayev</i>	179
<i>Adizova Nigora</i> <i>Adizova Nodira</i>	<i>Alisher Navoiyning tibbiy qarashlari</i>	182
<i>Gafurova N.T.</i> <i>Hikmatov N.I.</i>	<i>Значение языка в развитии высшего образования</i>	185
<i>G'aybullayeva N.I.</i>	<i>Tibbiy lingvistik birliklar platformasining amaliy ahamiyati</i>	190
<i>Hayitov Sh.A.</i>	<i>Alisher Navoiy tib ilmi va tabiqlar haqida</i>	195
<i>Haydarova N.A.</i>	<i>The importance of metaphors usage in medical discourse</i>	200
<i>Jumayeva M.</i>	<i>O'zbek xalq maqollarida tibbiy birliklarning qo'llanilishi</i>	204
<i>Kobilova F.T.</i>	<i>The problems of research on methods of foreign filology teaching with innovative approach</i>	207
<i>Raximov M. M.</i>	<i>Linguotherapy as the method of treatment</i>	211
<i>Xalikova M.X.</i> <i>Teshayeva M.Sh.</i>	<i>Shoshiyning tibbiyot ilmiga bag'ishlangan “qonuni bositiy” asarida mavjud ayrim tibbiy atamalarning lingvistik tahlili</i>	214
<i>Niyozova M.F.</i>	<i>Davriy nashrlarda tibbiyotga oid tasviriy vositalarning</i>	218

	<i>qo'llanilishi</i>	
4-sho'ba. Tibbiy birliklarning lingvopoetik tadqiqi		
<i>Yusupova D.Y.</i>	<i>Tilshunoslikda evfemizm hodisasi talqini (H.Xudoyberdiyeva she'rlari asosida)</i>	222
<i>Қалиев Е.М.</i>	<i>«Ант» драмалық дастанының тарихи және фольклорлық негізі Historical and folklore basis of the dramatic saga "The Oath"</i>	228
<i>Yuldasheva M.M.</i>	<i>Tibbiy pedagogik yo'nalish talabalarida milliy an'analar asosida bag'rikenglikni rivojlantirish</i>	232
5-sho'ba. Amaliy filologiyani rivojlantirish - davr talabi		
<i>Ashurbayeva R.Q.</i>	<i>Yosh avlodda tibbiy madaniyatni rivojlantirishda ona tili fanining ahamiyati</i>	237
<i>Istamova S. I.</i>	<i>Taqlid so'zlarning tibbiyotda qo'llanilishi</i>	241
<i>Qobilova A.B.</i>	<i>O'zbek va ingliz tili tibbiy perifrazalarining kognitiv-morfologik xususiyatlari</i>	245
<i>Toshtemirova S.</i>	<i>Tibbiyot lingvistikasi: vujudga kelishi, dolzarbligi, maqsad va vazifalari</i>	248